SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 12-APREL ■ SHANBA ■ 47 (27.067) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ташриф ниҳоясига етди

11 апрель куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги музокаралар давом этди.

Президентлар Ўзбекистон — Украина муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида фикр алмашди. Жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Президентларнинг ташаббуси билан бу кўрсаткични кўтариш учун янги имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, давлатларимиз раҳбарларининг келишувига биноан, кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг таркиби янгиланиб, шу йил январь ойида Киевда унинг мажлиси ўтказилди. Комиссия аъзолари биргаликда муайян масалаларга аниқ ва фойдали ечим топиш билан шуғулланмоқда.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлик масалаларига, жумладан, МДҲ доирасидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Томонлар, шунингдек, муҳим халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олди. Президентлар Ироқдаги вазиятни муҳокама қилар экан, ҳарбий ҳаракатлар имкон қадар тез ниҳоясига етиб, мамлакатда демократия тамойилларига мос янги жамиятни шакллантириш, халқ хўжалигида тикланиш ишларини амалга ошириш бошланишининг тарафдори эканлигини билдирди.

Учрашувда хавфсизлик борасида, яъни барқарорликка таҳдид соладиган халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув ниҳоясида музокаралар самимий ва дўстона руҳда ўтгани, томонлар кўтарилган барча масалалар бўйича якдил фикрда эканлиги таъкидланди.

Шу билан Украина Президентининг мамлакатимизга амалий ташрифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎзА)

● БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Истеъдодлар улғаймоқда

Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институти қошида фаолият юритаётган академик лицей қорақалпоқ ёшлари учун илм-фан, маънавият бешигига айланмоқда.

Бугунги кунда лицейда 432 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Лицей тўрт йўналишда билим беришга ихтисослашган: физика, математика, кимё, биология фанлари чуқур ўргатилади. Шунингдек, тарих, инглиз тили каби гуманитар фанларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.Ўқувчилар учун 2 та компьютер, 7 та лингафон хонаси, химия, биология, физика лабораториялари мавжуд. Компьютерлар Интернет тармоғига уланган.

Лицейда 63 педагог ёшларга сабоқ бермоқда. Шундан 12 нафари фан номзоди, икки киши фан докторидир.

2001 йилда АҚШнинг АКСЕЛС халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган танлов якуни бўйича лицей ўқувчиси Динмуҳаммед Узабаев Америкада таълим олиб қайтди. Шунингдек, истеъдодли ёшлардан яна бири Зариф Хўжаниёзов бугунги кунда ўқишини океан ортида давом эттирмоқда. Тошкентда ўтказилган «Ёш физиклар» симпозиумида қатнашган лицей ўқувчиси М.Носиров Ўзбекистон ёшлари жамоаси таркибида Сингапурда халқаро олимпиадада иштирок этди. Лицей ўқувчилари орасида республика олимпиадаси, турли кўрик-танлов ғолиблари, спорт мусобақалари совриндорлари бор. Таълим олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, 12000 дан зиёд китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, шинам ошхона, иккита спорт зали фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда 300 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилиши ишлари давом эттирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Нукус академик лицейи истеъдодлар улғаяётган билим даргоҳидир.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Суратда: лицей ўқувчилари

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Лоран ГИ: «Тошкент анжумани ЕТТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаради»

Май ойининг бошида Тошкентда бўлиб ўтадиган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилари Кенгашининг йиллик мажлиси халқаро молиявий ва ишбилармон доираларнинг диққат-эътиборини Ўзбекистонга қаратиш билан бир қаторда Марказий Осиё минтақасининг сармоявий имкониятларини муҳокама этиш анжумани ҳам бўлади. Ушбу муҳим халқаро тадбир арафасида ЕТТБ Директорлари Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон масалалари бўйича ижрочи директори Лоран Ги «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб қайтарди.

— Жаноб Ги, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бир неча йил аввал банк раҳбарияти диққат-эътиборни муқаддам ЕТТБ учун устувор бўлган Шарқий Европа мамлакатларидан ўтиш даврининг бошида турган МДҲ, хусусан, Марказий Осиё ва Кавказ давлатларига қаратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мақсад — бу мамлакатларга катта миқдорда сармоялар киритиш эди. Банк фаолиятидаги устувор йўналишларнинг ўзгаришини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Марказий Осиё давлатларининг кўпгина муаммоларга дуч келгани ва халқаро молиявий институтларнинг кўмагига муҳтож бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Яна бир долзарб йўналиш — кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш масаласи. Бу ЕТТБ учун устувор йўналиш бўлиб, кредитларнинг асосий қисмини айнан шу соҳага, шунингдек, жадал суръатлар билан ривожланаётган микро-бизнесга йўналтиришга ҳаракат қиламиз.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги масаласига келсак, ўн бир йил мобайнида молия тизимини такомиллаштириш, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштириш жараёнига кўмаклашиш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа йўналишлардаги турли лойиҳаларни амалга ошириш учун 723,8 миллион доллар маблағ ажратилди. Яқин келажакда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар ҳажми кўпайтирилиши мўлжалланмоқда. Шу маънода республика раҳбарияти миллий валютанинг тўла конвертациясига эришиш, хусусий сектор учун қулай шароитлар яратиш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари самарали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун замин бўлади.



Марказий Осиё мамлакатлари тарихида илк бор ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгаши йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши, Ўзбекистоннинг улкан сармоявий салоҳиятга эга экани ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини ЕТТБ томонидан тан олаётганининг тасдиғидир.

— ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгашининг йиллик мажлиси кун тартиби, шунингдек, мазкур анжуманнинг банк учун, хорижий сармоядорлар ва Ўзбекистон учун аҳамияти не чоғли деб ўйлайсиз?

— Йиллик мажлис икки асосий қисмдан, яъни Банкка аъзо мамлакатларнинг расмий мажлиси ҳамда кўп сонли сармоядорлар, турли компаниялар, банклар ва молиявий доиралар вакиллари иштирокида ўтадиган Бизнес-форумдан иборат бўлади. Йиғилиш давомида Банк бошқарувчилари ЕТТБнинг фаолияти, хусусан Марказий Осиё минтақасига йўналтирилган фаолияти хусусида фикр алмашадилар. Анжуманда асосий эътибор минтақага хорижий сармоядорларни кенгроқ жалб этиш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга кўмаклашишга қаратилади.

Бизнес-форум жараёнида 27 мамлакатнинг тақдимот маросими бўлиб ўтади. Унда ишбилармон доиралар вакиллари учун янги ҳамкорлар ва турли давлатларнинг расмий вакиллари билан учрашиш имконияти яратилади.

Умид қиламизки, ЕТТБнинг Тошкентдаги йиллик мажлиси Ўзбекистон ўзининг улкан салоҳиятини жаҳонга намойиш этиш, мамлакат иқтисодиётига хорижий сармоядорларни жалб қилишда янгидан-янги истиқболларнинг очилиши учун қулай имконият бўлиб қолади. Шубҳа йўқки, мазкур анжуман Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаради.

«Жаҳон» АА мухбири Мардон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

Лондон.

Деҳқонлар ва мутахассислар кенгашди

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда соҳага дахлдор республика ташкилотларининг бир гуруҳ мутахассислари Бухоро вилоятида бўлиб, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, экин мавсумига боғлиқ дала юмушлари билан танишди. Ғалла парваришининг аҳволи, кутилаётган ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказишга тайёргарлик борасидаги ишларни ўрганди.

Бухоро вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгашда уч кун давомида ўрганилган масалалар таҳлил этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Деҳқончиликнинг ҳар бир йилида орттирилган тажриба, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кейинги йиллар учун жиддий сабоқ вазифасини ўтайди. Маълумки, ўтган йили яхоб суви обитобида берилмагани, бу тадбирни ўтказишда шўр коллекторлар сувларидан фойдаланилганлиги, гектарларда туб сони камлиги, экиш муддатлари асоссиз кечиктириб юборилгани, ерлар бузиб экилгани, ғўза зараркунандаларига қарши етарлича кураш олиб борилмаганлиги пировардида ҳосил салмоғига салбий таъсир кўрсатди.

Йиғилишда вилоят деҳқонлари ушбу сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб, пахта майдонлари шўрини ювиш, ерларни экин мавсумига тайёрлаш ишларини пухта амалга оширгани таъкидланди. Аксарият чигит экиладиган майдонларда нам сақлашга эришиляпти. Ғаллазорларни озиқлантириш, агротехника қоидалари асосида парваришлаш ишларига киришилган. Галдаги вазифа — ерга уруғ қадашни ҳар томонлама юқори савияда ва қисқа муддатларда ўтказиш, ҳар гектар майдонда кўчатлар тўлиқ ундирилишини таъминлаш, ўрим-йиғим мавсумини эса пухта тайёргарлик билан бошлаш лозим. Бунинг учун, Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид Фармонида белгилаб берилганидек, энг аввало, қишлоқда мулкчиликнинг турли шаклларини жорий қилишни изчил давом қилириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, меҳнат аҳли, хусусан, фермерлар моддий манфаатдорлигини таъминлаш билан боғлиқ бозор муносабатларини янада ривожлантириш зарур.

Йиғилишда вилоят ҳокими С.Ҳусенов қатнашди.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири

Алмашув нуталари имзоланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг 2003 молиявий йилда «Ҳамширалар таълими тизимини яхшилаш» лойиҳаси бўйича алмашув нуталари имзоланди.

Мазкур лойиҳа Кунчиқар мамлакатнинг юртимизга кўрсатаётган беғараз молиявий кўмаги доирасида амалга оширилмоқда. Унинг умумий миқдори 292 миллион япон иенини ташкил этади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича Япония томонидан учта лойиҳа ҳаётга жорий этилган. Ҳамширалар таълими учун грантлар ажратишни кўзда тутувчи бундай лойиҳа эса илк бор амалга оширилмоқда. Ундан кўзланган мақсад тиббий таълимни яхшилаш ва шу орқали соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Лойиҳада 59 тиббиёт муассасаси учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар тақдим этиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ҳамда Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзолади.

(ЎзА)

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«Сайқал»ники ҳам арзон, ҳам сифатли»

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги газетанинг 2003 йил 6 март сонида чоп этилган «Сайқал»ники ҳам арзон, ҳам сифатли» мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада: «Ногиронлар аравачаларини дўконларга чиқариб бўлмайди, фақатгина у республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги орқали харид қилиниб, тарқатилади», дейилган. Вазирлигимиз муҳтож ногиронларнинг қулай аравачаларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш мақсадида сифатли ва арзонроқ нархдаги маҳсулотларни тендер асосида сотиб олади. 2001 йилнинг 20 декабрида ўтказилган тендерда қатнашиш учун еттита фирма ва корхона ҳужжат топширган бўлиб, шартга кўра бу фирмалар ногиронлар аравачаларининг нархи арзон ва етказиб бериш партиясининг ҳажми 1000 дона бўлиши керак эди. Тендерга Фарғона шаҳридаги СИЧК «Сайқал» фирмаси ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашганлиги ва тендер қўмитаси хулосасига кўра бу фирманинг (нархи 127-150 минг сўм) аравачани етказиб бериш партияси ҳажми 300 донани ташкил этгани боис, тендерда қатнашиш ҳуқуқидан озод этилган.

Шунингдек, мақолада қайд этиб ўтилганидек, ногиронларнинг ричагли аравачаси Марказий Осиёда фақат «Ўзбекистон-Австрия «Алтромарк» қўшма корхонаси ҳам тендерда қатнашиб, тақдим этган аравачалари сифати бўйича танловдан ўта олмаган. Вазирлик ногиронларни аравачалар билан белгиланган тартибда (ТМЭК хулосасига асосан) навбат асосида бепул таъминлаб боради. Ҳозир ногиронларнинг бундай воситаларга бўлган эҳтиёжи фақат вазирлик тизимидаги органлар орқали эмас, балки саховатпеша инсонлар ва ҳомийлар томонидан нақд ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиниб, муҳтожларга хайрия қилинмоқда.

Жумладан, 2001 йил мобайнида аравачаларга муҳтож 2591 нафар ногироннинг эҳтиёжи қондирилди ва жами 203,0 миллион сўм маблағ сарфланди. Бултур эса бу кўрсаткич 2826 тани ташкил этди. Ногиронларга сифатли ҳаракат воситаларини хориждан валютага сотиб олиш эмас, балки маҳаллий хомашё ва бутловчи қисмлардан кенг фойдаланиш орқали вазирлик тизимида хассалар, қўлтиқтаёқлар, ихчам, енгил ва замонавий технологияларда тайёрланган протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, бугунги кунда вазирлик тизимида ногиронлар учун зарур енгил аравачаларни ишлаб чиқариш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. 2002 йил мобайнида бундай аравачалар учун тегишли бутловчи қисмлар, пресс-формалар тайёрланиб, 2003 йилнинг январь ойидан бошлаб тизимда INKAB қўшма корхонасининг ногиронлар аравачаларининг дастлабки партиясини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу қўшма корхона ногиронларни аравачалар билан таъминлаш бўйича йиллик эҳтиёжни тўлиқ қоплаш имкониятига эга.

Мақолада «вилоят ҳокимлиги хатига ҳанузгача жавоб йўқ» дейилган. Лекин Фарғона вилоят ҳокимлиги ва корхонанинг ногиронлар аравачаларини харид қилиш бўйича вазирликка 2003 йилнинг 10 февралидаги 277/1-хатига вазир ўринбосари имзоси билан жорий йилнинг 24 февралида 10/579-жавоб хати йўлланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари А. АКБАРОВ

«РомСиб» — қўш қанотли корхона



Суратда: қўшма корхонанинг илғор тикувчилари: Лола Панаева, Меҳри Ғуломова.

— Мен, — дейди Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги «РомСиб» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш директори Бешим Тилавов, — қўшма корхона деганда, бамисоли парвозга шайланган қушларнинг қўш қанотини тушунаман. Россиялик қўш қанот — ҳамкорларимиз билан фаолият бошлаганимизга кўп бўлгани йўқ. Бор-йўғи тўртинчи ой, лекин кутилгандан ҳам кўпроқ самараларга эришяпмиз. Пиллани қайта ишлаш цехларимиз кенгайди. Пахта толасидан тайёр маҳсулот — кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатдик.

— Корхонада ҳозир қанча ишчи ишлаяпти? — сўраймиз ундан.

— Бугунги кунда 210 нафар. Иккинчи навбат ишга тушгач, 300 нафардан ошади. Бу ҳам, айтайлик, қанотга қанот дегани...

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Мультимедия синфлари очилади

Жорий йилнинг март ойида Бельгия қироллиги ҳукумати Ўзбекистон Республикасига узоқ муддатли фоизсиз заём ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. 8 млн. евро миқдоридаги ушбу заём 30 йил муддатга берилиб, 15 та академик лицей ва 50 та касб-ҳунар коллежини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилади. Бельгия Вазирлар Кенгаши мажлисида ушбу лойиҳа Бельгия ҳукуматининг Ўзбекистонни имтиёзли молиялаштириш доирасида илк бор амалга оширилмоқда, деб таъкидланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Бельгия ҳукуматининг бу қарори фавқулодда воқеадир. Зеро, Бельгиянинг бундай кўмаги фақат бир неча юз йиллар давомида у билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган ва унинг устувор давлатлар рўйхатига киритилган мамлакатларгагина берилади.

Ушбу рўйхатни Бельгия қироли имзолайди ва мамлакат парламенти тасдиқлайди.

Юқорида зикр этилган лойиҳани амалга ошириш доирасида Бельгиянинг «Телевик» гуруҳига кирувчи етакчи компаниялардан бири — «Артек электронике» мазкур ускуналарни етказиб беришни ўз зиммасига олди.

Лойиҳа республикадаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун академик, амалий фанлар ҳамда чет тиллар ўқитилишини таъминлайдиган мультимедия синфларини очишни кўзда тутади. Ушбу тизим ўқитиш жараёнига мутлақ янги ёндашувни англатиб, у таълим соҳасида энг замонавий технологиялар асосида амалга оширилади.

Бельгия томонидан таклиф этилаётган чет тилларни ўқитиш дастурлари Европа, Осиё ва Тинч океани мамлакатларида тажрибадан ўтганлигини қайд этиш лозим.

«Жаҳон» АА

Тракторли бўлишди

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси Сирдарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида вилоят техник марказини ташкил этди.

Марказ очилиши муносабати билан бу жойда янги техника ва эҳтиёт қисмлар ярмаркаси, кўргазмали семинар ташкил этилди. Туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари, вилоят қишлоқ хўжалик тармоқлари мажмуаси раҳбарлари ва мутахассислари, вилоятдаги ширкат ва уюшма хўжаликлари раҳбарлари, илғор фермерлар, қишлоқ хўжалик соҳасининг етакчи мутахассислари иштирокида ўтган бу семинарга пойтахт ҳамда вилоятлардан меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Ширкат уюшмалари ва фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш ғоят муҳим, кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бўлиб турибди. Ана шундай дамларда семинарга ташриф буюрган «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси Рафиқ Матчонов, «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» компанияси раҳбари А.Аҳмедов, Тошкент трактор заводи директори П.Захаров, Тошкент мотор заводи директори В.Одилов, «Чирчиқсельмаш» заводи директори Ж.Тўраев, «Ўзбекмаш» қўшма корхона раҳбари Ў.Эргашев ва бошқа мутахассислар билан бевосита учрашув айни муддао бўлди.

Кўргазмали ярмаркада республикамизда ҳамда хорижда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машина-тракторлари намойиш этилди. Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров ўн нафар таниқли фермер хўжалиги бошлиқларига янги 10 та чопиқ трактори калитини топширди.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Фермерга сусткашлик ярашмайди

Ислом КАРИМОВ:

«Биз қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилишнинг маъно-моҳияти — бу аввало, энг асосий бойлигимиз бўлган ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш, қанча ҳосил етиштиришни қатъий белгилаб берадиган эскича қарашлардан воз кечиш эканини чуқур англаб олишимиз даркор».

(Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган мажлисдаги маърузасидан).

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги **«Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари»** ҳақидаги қароридан сўнг Ёзёвон туманида яхши ниятлар, катта умидлар билан истиқболли бошқарув йўлига ўтилди: тумандаги 279 та фермер хўжалиги 896 тага етди.

Хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам фермерларга яқинлаштирилди. Илгари 60-70 чақиримдан ўғит, нефть маҳсулотлари ташлаб келинарди. Чиқим ҳам шунга яраша бўларди. Энди-чи? Туманда марказий ўғит омбори, унинг 11 та шахобчаси, нефть маҳсулотлари омбори ва унинг 5 та тармоғи, 7 та кичик банк, 12 та муқобил МТП, 9 та сувдан фойдаланиш уюшмаси хизмат кўрсатмоқда.

— Туманимизда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг олдинги йилларга нисбатан кўпайгани фермерлик ҳаракатининг шарофати, — дейди **туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги директори Абдуҳамид САИДОВ.** — Туман тарихида энг кўп ғалла бултур етиштирилди. 6080 гектар чўл ерларининг ҳар гектаридан 41 центнердан дон йиғиштириб олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 15 минг 456 тоннаси давлатга сотилиб, режа ошириб бажарилди. Фермерлар ихтиёрида 9 минг тоннадан ортиқ ғалла қолди. Ғаллачиликнинг ўзидан 566 миллион сўм соф фойда олдик. Раҳима Ражабова бошлиқ «Ойдиной» фермер хўжалиги ҳосилдорлиги гектар бошига 87 центнердан оширди. «Турғунбой», «Зилол-А» каби фермер хўжаликлари ҳам аввалги йилларга нисбатан гектаридан икки-уч баравар кўп хирмон кўтаришди.

Деҳқончиликка ихтисослаштирилган 658 та фермер хўжалигининг 584 тасида пахта етиштирилди. Уларнинг 540 таси шартнома режаларини ошириб адо этишди. Айниқса, «Толқудуқ-97», «Заминдор», «Заҳро юлдузи», «Мирзакаримбой» каби ўнлаб фермер хўжаликлари юқори натижаларга эришдилар.

— Иқтисодий самарадорлик ҳам зўр бўлгандир? — сўзини бўлдик унинг.

— Бўлмасам-чи, фермер хўжаликлари қарзлари 2 млрд. 374 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу йилги ҳолатда у 825 миллион сўмга камайди. Ёки 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 1195 тонна дизель ёнилғиси, 418 тонна бензин тежаб қолинди.

Тўғри, деҳқончиликка ихтисослаштирилган 54 та фермер хўжалигимиз бироз оқсаб, давлатга 20 минг 905 тонна ўрнига 20 минг 49 тонна пахта сотди. Пахтамизнинг анча қисмини 3,4,5-навларга сотганимиз ҳам анчагина зарар келтирди. Бир мисол, бешинчи навга қабул қилинган 1730 тонна пахтанинг ҳар килограммини 36 сўм 12 тийиндан сотдик. Уни тердиришнинг ўзига-ку 40-50 сўм пул сарфлагандик. Бунга транспорт ва бошқа харажатлар ҳам қўшилса, таннархни ўзингиз билиб олаверинг...

— Буларнинг сабабини нимада, деб ўйлайсиз?

— Аччиқ бўлса ҳам тан олиш керак. Фермерларни танлашда таниш-билишлик, ошнаоғайнигарчиликка йўл қўйилгани чигит экиш ва вегетация давридаёқ кўзга ташланди. Айрим фермерлар техникадан, сувдан, ўғитдан мақсадга мувофиқ фойдаланмадилар. Бу билан улар ерни эмас, ўзларини алдашди.

Тендернинг чўзилиб кетиши ҳам ишнинг белига тепди. Натижада кузги-қишки ишлар чўзилиб, баҳор тиғиз келди. Шўр кеч ювилди. 3000 гектарга яқин ер эса нақ баҳорда ҳайдалди. Натижада экиштикиш чўзилиб кетди.

Суҳбатдошимиз ерларнинг мелиоратив ҳолати борасидаги камчиликларни ҳам яширмади. Кейинги йилларда ариқ-зовурларни тозалашга эътибор сусайгани туфайли зах юзага чиқиб, ернинг шўрланиш даражаси ортгани рост. Наздимизда ёзёвонликларнинг Марказий Фарғонадаги айрим хўжаликлар ҳудудидаги унумсиз, зах ерларга эндиликда мос экинлар экиш ҳақидаги таклифларини ўйлаб кўриш мавриди келганга ўхшайди.

Сўнгги пайтларда бу ерда корхона ва ташкилотлар шартнома режаларини бажармаган фермер хўжаликларини хўжалик судига беришди. Чунки, улар шартномада кўрсатилган маҳсулотларнинг топширмаган қисмини тўлашга мажбурлар, ахир. Шунингдек, ўзига билдирилган ишончни оқламаган, берилган тавсия ва кўрсатмаларни муттасил бажармай келган 9 нафар фермердан экин майдонлари қайтариб олиб қўйилди. Айримларига эса маълум сабабларга кўра яна бир йил синов муддати берилди.

Савол туғилади: айб фақат режани бажармаган фермердами? Жавобини фермерлар билан суҳбатлашганда олдик.

— Шартнома бўйича 28 гектар ердан 44,7 тонна пахта сотишимиз керак эди, — дейди К.Назаров номли фермер хўжалиги раиси Адҳамжон Назаров. — Биз уни 21 тоннага бажардик, холос. Туман марказий нефть маҳсулотлари базасидан маҳсулотларни вақтида ололмадик. Ер текисловчи техникани кеч олганимиз сабабли ер текислаш ишлари 15 майгача чўзилди. Шамол олган ва шўралаб кетган ҳамда қуриган 11 гектар ерга чигитни қайта экдик. Ҳатто 8 гектар майдонга учинчи бор чигит ташлашга ҳам тўғри келди. Бунинг устига ўғит етарли бўлмади. Гектарига 300 ўрнига 130 килограмм атрофида ўғит тушди. Сув таъминотидаги палапартишлик-ку тинка-мадоримизни қуритди...

Биз суҳбатлашган «Тўхли бува», «Истиқлол-98» фермер хўжаликларининг раҳбарлари — Р.Тўхлиев, О.Одилов ҳам режалар барбод бўлишининг турли сабабларини келтирдилар.

Тўғри, қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтириш учун аввало, фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, экин турларни танлашда таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш керак. Бироқ, фермерларнинг ўзлари ҳам лоқайд бўлмай сусткашлик қилмаслиги зарур эмасми? Қолаверса, фермернинг кимлиги, салоҳияти, деҳқончиликдаги билим ва тажрибаси у кўтарган хирмон салмоғи ва иқтисодий рақамлар залворига боғлиқ эмасми?

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Хорижникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас...

Халқ эҳтиёжи учун маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш учун юртимизда кенг имкониятлар мавжудлиги бугун тобора равшанлашиб бораяпти. Бунинг учун керакли хомашё ҳам, малакали ишчи кучлари ҳам борлиги такрор-такрор айтилмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Темирйўл туманида фаолият бошлаган пластмасса маҳсулотларидан хўжалик моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона жамоаси ўзларининг янги иш режаларини белгилаб олдилар. Тадбиркор Мамашариф Ҳайдаров раҳбарлик қилаётган мазкур корхона ишчи-хизматчилари йигирма турга яқин хўжалик моллари ишлаб чиқаришга аҳд қилишди.

— Энг муҳими, — дейди жамоа раҳбари, — уларни биз маҳаллий хомашё, яъни «Шўртангаз» мажмуидан келтирилган полиэтилен маҳсулотларидан ишлаб чиқарамиз. Бу, бизга ҳам, харидорларга ҳам арзон тушади. Сифатини айтмайсизми? Хорижникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас...

— Дейлик, уларникига нисбатан қанчага арзон тушиши мумкин? — сўраймиз ундан.

— Ўттиз-ўттиз беш фоиз. Боз устига чидамли ҳам. Шу боисдан бўлса керак, ҳозир бозоримиз чаққон, буюртмачиларимиз кўп...

Изоҳга ҳожат йўқ: ўзинда бўлса — ўзасан, дегани шу-да!

Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган суратлар.

✧✧✧

Суратларда: тадбиркор Мамашариф Ҳайдаров ва буюртмачи Илья Илёсов; корхонанинг илғор қолипловчиси Фазлиддин Раҳимов.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

ХДП Чилонзор туман кенгаши «Меҳр таянчи» болалар маркази билан ҳамкорликда, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котиблари, вояга етмаганлар ишлари инспекцияси ходимлари иштирокида, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган, семинар-кенгаш ўтказди. Унда оғир ҳаётий вазиятга тушган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари тўғрисида мазкур туман партия кенгашининг биринчи котиби А.Каримбердиев, болалар марказининг ҳуқуқшунослари Ф.Шарипова ва Р.Гаязов, жамоат ташкилотлари вакиллари И.Файзулин, А.Сутюшев ва бошқалар сўз юритдилар.

Чуст туман партия кенгаши томонидан, «Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни» мавзуида, ташкил қилинган «давра суҳбати»да партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида қизғин баҳс-мунозара юритилди.

Зарбдор туман партия кенгашида ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби А.Усканов, туман ҳокими ўринбосари Н.Ҳакимова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси У.Мамиров ҳамда туман ички ишлар бўлими ходими А.Эркабоевлар маҳаллаларда вояга етмаганлар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича фикрлар билдириб, ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий онгини юксалтириш, иқтидорли ёшларни саралаш ва фуқароларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида, **Пскент, Наманган, Учқўприк, Сирдарё ва Тошлоқ туман партия кенгашлари** жойлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Энг яхши ўқитувчи», «Аждодларимиз мероси — буюк тарихимиз» каби мавзуларда кўрик-танловлар ўтказдилар.

Норин туманининг «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда **Беруний туманидаги** «Ёғғар» акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида ўтган тадбирлар эса партиянинг Экологик дастурини амалга ошириш масаласига бағишланди.

Олтиариқ туман партия кенгаши «Ғайрат» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Ўзбекистон» шифохонаси биносини таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилди. Партия ташкилотига қарашли ерда экилган тераклар кесилиб, шифохона қурилиши учун ишлатилди.

ХДПдан Халқ депутатлари **Чортоқ туман** Кенгашига сайланган О.Қодировнинг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда сайловчилар депутатнинг иш фаолияти ва жорий йил учун режаларини тинглаб, ўзларининг таклиф ва истакларини билдирдилар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ҳуфиёна иқтисодиёт — жиддий муаммо

Фарғонада «Ҳуфиёна иқтисодиёт ва валюта муомаласига оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш муаммолари: назария ва амалиёт» мавзуида минтақавий илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда водий вилоятлари ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари қатнашдилар. Унда сўзга чиққан республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, Ўзбекистон Судлар ассоциацияси раисининг биринчи ўринбосари У.Мингбоев, Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармаси бошлиғи А.Шарафуддинов, Олий суд судьяси, Олий суд котиби Х.Ҳасанов ва бошқалар ҳуфиёна иқтисодиёт ҳамда валюта муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тажрибаси, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни баён этдилар.

Анжуманда, шунингдек, АҚШлик шу соҳанинг йирик мутахассиси С.Стоун хоним сўзга чиқиб, Америкада бу борада қилинаётган ишлар ҳусусида гапириб берди.

Ўз мухбиримиз

Ҳалоллик — барака

Иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш — эл-юрт фаровонлиги

Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказилиши туфайли хилма-хил мулк шакллари вужудга келди. Солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар сони кўпайди, янги-янги солиқ турлари пайдо бўлди. Иқтисодиёт ва солиқ тизими анча мураккаблашди, такомиллашди. Бироқ, фуқароларнинг иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги ҳуқуқий билими ҳамда дунёқараши ҳали етарли эмаслиги кузатилмоқда. Натижада, айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар томонидан ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, солиққа тортиладиган даромадларини яширишга ҳамда солиқ қонунчилигини четлаб ўтишга уриниш каби ноҳуш ҳоллар, қонунбузишлар, суиистеъмолчиликлар ҳамон учраб турибди.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Департамент органлари томонидан 2002 йилда иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан давлат хазинасига 25,8 млрд. сўмлик қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, 18,4 млрд. сўми ундирилди. Шунингдек, профилактика тадбирлари натижасида солиқ тўловчилардан ихтиёрий равишда ундирилган 8,2 млрд. сўм билан биргаликда бюджетга жами 26,7 млрд. сўмлик маблағлар ундирилди.

Жорий йилнинг 1-чорагида Департамент органлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида солиқ ва валютага оид аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 1104 та жиноят ва 3211 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан давлат эгалигига ўтказиш учун олиб қўйилган 2,4 млрд. сўмлик товар моддий бойликларидан 2,1 млрд. сўми белгиланган тартибда сотилиб, бюджетга тушириллиши, қўшимча ҳисобланган 6,7 млрд. сўмлик солиқ ва жарималардан 5,5 млрд. сўми ундирилиши ва 950,2 млн. сўмлик солиқларнинг ихтиёрий равишда тўланиши таъминланди.

Кўрилган қатъий чоралар натижасида жорий йилнинг 1-чорагида(8 млрд. 591 млн. сўм) ўтган йилнинг шу даврига(3 млрд. 295 млн. сўм) нисбатан бюджетга ортиқча 5 млрд. 296 млн. сўм маблағ ундирилишига эришилди. Шунингдек, профилактика тадбирлари натижасида солиқ тўловчилардан ундирилган 950 млн. сўмлик солиқ тўловларининг ихтиёрий равишда тўланиши таъминланди.

Департамент органлари томонидан яширин иқтисодиётнинг шаклланиш механизмларини аниқлаш ва унга барҳам бериш, солиққа тортиш манбаларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш борасида амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирлар натижасида 2002 йилда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан қонунга хилоф равишда фаолият кўрсатаётган 602 та ароқ-вино, пахта ёғи ва турли бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган яширин цех фош этилди ва 78 млн. сўмлик товар ва ишлаб чиқариш ускуналари ашёвий далил сифатида олинди.

Жумладан, Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида фуқаро Х.Содиқова ҳовлисидан давлат рўйхатидан ўтмасдан яширин равишда пахта ёғи ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Унинг ҳовлисидан қўлбола усулда тайёрланган 2 тонна пахта ёғи, 5,2 тонна чигит, 2,8 тонна кунжара ҳамда 2 дона мойжувоз ашёвий далил сифатида олинди. Ёки Самарқанд вилояти, Темирйўл туманида яшовчи фуқаро М.Мамедов ўзининг яширин цехида ишлаб чиқарган 150 кв. метр ҳажмдаги ҳар хил ўлчамда бўлган мармар плиталарни фуқаро И.Абдуллаевга 800 АҚШ долларига сотаётганида қўлга олинди ва 2,9 млн. сўмлик мармар ишлаб чиқариш ускунаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Б.Имомқулов ўз уйида фуқаро З.Мейлиева билан ўзаро жиноий тил бириктириб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан тозаланмаган ош тузини қадоқлайдиган яширин цех ташкил этгани ошкор этилди.

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани ҳудудида жойлашган «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик жамиятига қарашли камера ясаш устахонаси ҳудудида фуқаро К.Муха, А.Веденин ва А.Смучковлар ўзаро жиноий тил бириктириб, давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда «ДЭУ» автомобиллари учун резина-техник эҳтиёт қисмларини яширин равишда ишлаб чиқараётганликлари аниқланди. Тадбир жараёнида устахона ҳудудидан 887,4 минг сўмлик «ДЭУ» автомобилларининг резина-техник эҳтиёт қисмлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Маълумки, бугунги кунда давлат томонидан иқтисодиётни ва ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни турли хил сифатсиз чет эл маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, сохта тадбиркорларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига барҳам бериш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 майда қабул қилган **«Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»**ги қарори ҳам мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва олиб кирилаётган товарларни тартибга солиш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилишда қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Мазкур қарорга қадар турли хил ғайриқонуний йўллар билан мамлакатга олиб келинган товарлар бозорларда жисмоний шахслар томонидан тегишли ҳужжатларсиз эркин сотиларди. Сотувчилардан товар олиб келинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмаганлиги учун ғайриқонуний товар олиб келган шахсларни аниқлаш имконияти йўқ эди. Бу қарор билан ушбу ҳолатлар тартибга солинди. Энг қувонарлиси, бугунги кунда ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозор пештахталарини эгалламоқда.

Қарорнинг 6-бандида Департамент органлари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклатилган ва тегишли ҳуқуқлар берилган. Яқинда Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тезкор қидирув тадбири жараёнида акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга уринган уюшган гуруҳ фаолиятига барҳам берилди. Фуқаролар И.Қиличев, А.Азимов, З.Абдиев ва бошқалар «Нексия» русумли шахсий автомашиналарида Корея Республикасида ишлаб чиқарилган жами 15 млн. 85 минг сўмлик акциз маркасиз «PINE» сигареталарини Қарши шаҳрига олиб кираётган вақтда қўлга олинди. Республика ҳудудига ғайриқонуний тарзда олиб кирилган бу сигареталар ва 4 та «Нексия» русумли автомашина давлат эгалигига ўтказиш учун олиб қўйилди.

Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан мавжуд тезкор маълумотларга асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ҳудудида ўтказилган тадбирда ҳам жуда кўп миқдордаги акциз маркасиз тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига олиб киришга уринган шахслар фаолиятига чек қўйилди.

● ТАФСИЛОТ

Ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда

ИРОҚДА ЮЗАГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ҲАҚИДА ЖАҲОН АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

НОВОСТИ. АҚШ Президенти Жорж Буш телевидение орқали Ироқ халқига мурожаат этиб, яқинда мамлакат диктатурадан озод бўлишини эълон қилди. Президентнинг телемурожаати АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг махсус жиҳозланган ва Ироқ осмонида парвоз қилаётган «Си-130» русумидаги самолёти ёрдамида Ироқ телевидениеси тизимига узатилди. Мурожаат экранда араб ёзуви (субтитр) билан эфирга тарқатилди.

АҚШ Президенти шуни алоҳида таъкидладики, АҚШ Ироқ халқини эмас, балки Саддам Ҳусайн тузумини ўзининг душмани, деб билади. Ҳарбий ҳаракатлардан мақсад шу тузумни ағдариш, Ироқ халқини оммавий қирғин қуролларидан халос этиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, диний анъаналарни ҳурмат қилиш ҳамда Ироқ фуқароларидан таркиб топган янги ҳукуматни шакллантиришдан иборат.

Шуни қўшимча қилиш лозимки, Американинг «Си-130» самолётидаги «учувчи телестанция» ёрдамида эндиликда Ироқ аҳолиси учун кунига 5 соатлик кўрсатув эфирга узатилади. Эрта ё келгуси ҳафтадан эса коалиция кучларининг мақсад ва муддаоларини Ироқ халқига чуқурроқ тушунтириш мақсадида янги газета чиқа бошлайди.

SKY NEWS. Интернетдаги мазкур сайт хабарида айтилишича, коалиция кучлари Бағдоднинг марказий туманларига ёриб кириши билан Ироқ ҳукумати — вазирлар ва бошқа юқори мартабадаги раҳбарият ўз иш жойларидан ғойиб бўлдилар. Америка ҳарбийларининг тахминларига кўра, Саддам Ҳусайн ҳамда унинг атрофидаги корчалонлар Тикритга яширинган ва айримлари Ироқдан чиқиб кетган бўлиши мумкин.

Ироқ етакчиларининг бирдан ғойиб бўлиши улар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи ягона марказ ҳали мавжуд эканлигидан далолатдир, дея тахмин қилмоқда Америка разведкаси.

Ҳозирча Бағдодда Ироқ армияси унчалик қаршилик кўрсатмаяпти. Бунинг икки сабаби бўлиши мумкин: ё миллий гвардия марказий қўмондонликдан маҳрум бўлган ва тарқалиб кетган ёки улар яширинib, иттифоқчилар қўшинига зарба бериш учун қўшимча кучлар билан қайта шакллантирилаётган бўлиши мумкин.

AP. Бағдод коалиция кучлари томонидан эгалланди. Бироқ ачинарлиси шуки, шаҳарда аҳоли томонидан талончиликлар юз бермоқда. Дўконлар, омборлар ва ҳатто давлат идораларидаги буюмлар очиқчасига ўғирлаб кетилмоқда. Телевизор борми, музлатгичу гилам ё мебелми, кўзига нима кўринса, барчасини ўмариб кетмоқдалар. Ҳатто Ироқ вазирликлари, Германия ва Финляндия элчихоналари, Франция маданият маркази, Саддам Ҳусайн ўғли Удайнинг уйи, бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз вилласи, Саддам Ҳусайн қариндоши Али Нассан ал-Мажиднинг уйи ҳам таланган. Бу ҳам етмаганидек, биноларга ўт қўйиб кетмоқдалар. Жумладан, Транспорт вазирлиги, Олимпия қўмитаси, Таълим вазирлиги ёндириб юборилган.

АҚШ Марказий қўмондонлигининг генерал-майори Жин Ренуарнинг айтишича, Ироқ пойтахтида тартибни сақлаш билан яқин кунларда махсус гуруҳ шуғулланади. Бағдодда комендантлик соати жорий этилиши ҳам мумкин.

BBC NEWS. Ироқ шимолида ҳаракат қилаётган курд отрядлари Америка қўшинлари ёрдамида Киркук шаҳрини эгалладилар. Курдлар Ироқ армияси томонидан қаттиқ қаршиликка учраган бўлса-да, бироқ шаҳарда аҳоли уларни қувонч билан кутиб олди.

ASSOCIATED PRESS. Коалиция кучлари авиацияси Саддам Ҳусайн туғилган шаҳар — Тикритдаги Ироқ армияси позицияларини бомбардимон қилди. АҚШнинг қуруқликдаги қўшинлари бригадаси генерали Винсент Брукснинг маълум қилишича, Ироқ ҳарбийлари Тикритдаги мудофаа чизиғини янада кучайтирмоқда. АҚШ армияси капитани Фрэнк Торпнинг айтишича, Тикрит учун жанг кутилгандан ҳам қақшатқич тус олиши мумкин.

CNN. Буюк Британия армияси Басрадан 100 километр шимолда жойлашган Ироқнинг жануби-шарқидаги Курна туманини эгаллади. Бу ҳудудда, яъни Ал-Курна шаҳри ғарбида машҳур «Ғарбий Курна-2» нефть кони бор.

IRNA. Бағдоддан 150 километр шимоли-шарқда, Ироқ-Эрон чегараси яқинида жойлашган Ханакин шаҳридаги Ироқ ҳарбий таркибининг катта қисми мамлакат марказига эвакуация қилинди. Сўнгги кунларда Америка самолётлари ва артиллерияси шаҳардаги армия позициясини бомбардимон қилганди. Ҳозир шаҳар иттифоқчилар қўлида.

ИТАР-ТАСС. 14 кишидан иборат Литва ҳарбийлари коалиция кучлари таркибида хизмат қилиш учун Форс кўрфазига жўнаб кетдилар. Уларнинг 4 нафари ҳарбий шифокор, 10 нафари эса фронт ортида хизмат кўрсатувчи мутахассис бўлиб, улар жангда қатнашмайдилар, балки яраланган ҳарбийларга хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, инсонпарварлик ёрдамларини тақсимлаш ишларига кўмаклашадилар.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

Ваколат узайтирилади

Тожикистон парламенти президент ваколатини узайтириш масаласи бўйича шу йил 22 июнда референдум ўтказишга қарор қилди.

Конституцияга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартириш Раҳмоновга президентлик курсисида икки марта 7 йиллик муддатга, яъни 2020 йилгача қолиш имконини беради.

Тожикистонда президентлик сайловлари 2006 йилга белгиланган, дейилади Reuters ахборот агентлиги хабарида.

Муддат яна чўзилди

Фаластин раҳбари Ёсир Арафот мамлакат ҳукумати янги таркибини тузиш учун яна икки ҳафта муддат берилиши ҳақида фармойиш чиқарди. Негаки, яқинда бош вазирликка тайинланган Маҳмуд Аббос муҳлат узайтирилишини Арафотдан сўраган.

Сабаб: турли сиёсий кучлар ўртасидаги қарама-қарши фикрлар сиёсий ва диний ташкилотлар раҳбарлари билан бу борада музокаралар олиб боришда ва маслаҳатлашувда жиддий мураккабликларни келтириб чиқармоқда, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

Олиб чиқиб кетилади

Россия Болқондаги, аниқроғи, Косово, Босния ва Герцеговинадаги тинчлик контингенти таркибида фаолият юритаётган қўшинларини яқин кунларда олиб чиқиб кетишга қарор қилди. «Интерфакс» агентлиги хабар беришича, шу кунларда Болқонда жами 970 нафар рус аскари бўлиб, улардан 650 нафари Косовода, 320 нафари эса Босния ва Герцеговинададир.

Аъзоликка қабул қилинди

Европа Иттифоқининг мурожаатига асосан Сербия ва Черногория (собиқ Югославия Федерацияси ўрнида таркиб топган) Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Шундай қилиб, ЕИнинг аъзолари 45 тага етди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

белгиси

ҳамда мамлакат салоҳияти ошишига кафолат

Фуқаро Х.Қиличев ва Б.Қурбоновлар божхона чегараларини четлаб ўтган ҳолда, айланма йўллар билан «КамАЗ-5320» русумли юк автомашинасида Корея Республикасида ишлаб чиқарилган жами 36 млн. 225 минг сўмлик акциз маркасиз «PINE» сигареталарини Янгийўл туманига олиб кираётганида қўлга олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз ўз маърузасида **ички истеъмол бозорини сифатли ва маҳаллий озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек, мамлакатимизга кўп миқдордаги товарларнинг ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан олиб кирилаётганлиги катта ташвиш туғдираётгани, бу товарлар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари айрим сохта тадбиркорлар томонидан божхона масканлари четлаб ўтилиб, белгиланган бож ва солиқ тўловлари тўланмасдан олиб келинаётганлиги, улар истеъмолга яроқсизлиги, таркиби ва сифати текширилмаганлигини ачиниш билан гапириб ўтди.**

Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида Тошкент халқа йўлида жойлашган «Улуғбек Рамиз» хусусий фирмасига қарашли омборларнинг бирида республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан Афғонистон ва Эрон республикалари фуқаролари томонидан олиб кирилган юклар сақланаётганлиги кузатилди. Бу хорижий фуқаролар айрим юртдошларимиз номига хусусий тадбиркорлик гувоҳномаларини расмийлаштириб, импорт маҳсулотларни улар орқали сотиб, ушбу маҳсулотларнинг сотиб олинишини молиялаштириш, савдодан тушган нақд пуллари «қора бозор»ларда валютага айлантириб, республикамиздан ташқарига олиб кетиш билан шуғулланганлар. Масалан, Ҳамидулла Қосимов таъсис этган хусусий фирма омборхонаси текширилганда, ҳеч бир ҳужжатга эга бўлмаган, 5 нафар тадбиркорга тегишли 307 млн. 648 минг 570 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлар топилди.

Қарор чиққандан буён унинг ижросини таъминлаш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида 2003 йилнинг 19 мартига қадар Департамент органлари томонидан 5365 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, улар юзасидан 777 та жиноят иши қўзғатилди, 4552 шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқбузарлардан 5,5 млрд. сўмга яқин ҳужжатсиз ва истеъмолга яроқсиз бўлган турли хилдаги маҳсулотлар олиб қўйилди. Шундан 3,2 млрд. сўмга яқини судлар томонидан давлат фойдасига мусодара этилиб, бюджетга тушиши таъминланди.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш лозим. Ҳамюртларимиз орасида амалдаги қонунларни писанд қилмай, оқибатини ўйламай, гоҳида эса «қўлга тушсам йўлини қилиб қутулиб кетаман», деб ўйлайдиганлар ҳамон учрамоқда. Улар бугун ноҳалол, ноқонуний савдо-сотиққа кескин, муросасиз кураш бошланганини англаб етишмаяпти. Шу боис қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан кенг халқ оммасига, кўпроқ тадбиркорлар ўртасида профилактика тадбирлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керак, айрим сохта «тадбиркорлар» барибир қонунда белгиланган жавобгарликдан қочиб қутулолмайдилар. Эртами-кечми қонун олдида жавоб берадилар ва ўзларининг хатти-ҳаракатлари жамият учун қанчалик даражада хавфли эканлигини англаб етадилар. Аммо, шу ўринда савол туғилади. Бу каби ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ керак? Тадбиркор, авваламбор, ўзининг савдо фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, «ички бозорни бойитиш орқали ҳалол пул топаман» деган эзгу ниятини амалга ошириш учун чет элдан олиб келаётган турли товарларни божхонада тўлиқ расмийлаштирса, керакли бож ва солиқларни тўласа, бас.

Азамат ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаментининг катта инспектори, 3-даражали юрист

«Замин» банк акциядорлари диққатига!

«ЗАМИН»

давлат-акциядорлик ипотека банки акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши 2003 йил 14 май куни соат 10.00 да банк биносида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. *Банк Кенгашининг банк фаолиятини бошқариш бўйича ахбороти.*
2. *Банк Бошқарувининг 2002 йилдаги фаолияти якунлари ва 2003 йилдаги асосий йўналишлари ҳақида ҳисоботи.*
3. *Банкнинг 2002 йилдаги молиявий фаолияти, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоботини тасдиқлаш, банк фойдасини тақсимлаш, ташқи аудит текшируви натижалари тўғрисида.*
4. *«Замин» банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*
5. *Банкнинг 2003 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.*
6. *Банк Кенгаши таркибини қайта сайлаш.*
7. *Банк бошқаруви раиси билан 2003 йилга ёлланма шартнома тузиш тўғрисида.*
8. *Бошқа масалалар.*

Йиғилиш қатнашчилари 14 май куни соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 55-72-97, 55-82-59.
Манзил: Тошкент шаҳар, П.Ржевский кўчаси, 3-уй.

БАНК КЕНГАШИ

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ТАРИФ СТАВКАЛАРИ БЎЙИЧА БАРЧА ТУРДАГИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- экспорт-импорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олиш;
- аккредитивга доир барча операциялар;
- корпоратив мижозларнинг сўм маблағларини конвертация қилиш;
- мижозларнинг валюта маблағларини хорижий банкларга ўтказиб бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Сиз ташқи иқтисодий фаолиятга доир саволларингизга исталган вақтда маълумот олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: (3712) 78-84-38.

Фазогирликка бағишланади

Бугун пойтахтнинг Чилонзор туманида фазогирликка бағишланган ўзига хос ўқув ташкил этилади. Бу тадбир Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни, биринчи фазогир аёл Валетина Терешкованинг ер атрофи орбитасига парвозининг қирқ йиллиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланади. Тадбирни ўтказиш учун Юрий Гагарин хиёбони танланган. Йиғинга эса Россия Федерациясининг элчихонаси, Россиянинг чет эллар билан алоқа марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Ўзбекистон — Россия» дўстлик жамияти, Воҳидов номидаги халқаро аэрокосмик ёшлар жамғармаси ва бошқалар ташкилотчилик қиладилар. Тантанада Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, шунингдек, академиклар Беҳзод Йўлдошев, Тўрабек Долимов, Шавкат Воҳидов, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этадилар. Кинотеатр қаршисида фотосуратлар ҳамда болалар чизган фазогирлик мавзуига оид расмлардан иборат кўргазма ташкил этилади. Тадбирда ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари мўлжалланган.

Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 16,23,30 май, 6,13,20,27 июнь, 4,11,18,25 июль кунлари соат 10-00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИДА

қуйидаги манзилларда жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа биноларни қуриш учун мўлжалланган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи сотилади:

№ т/р	Ер участкаси жойлашган манзил ва қуриладиган шахобча тури	Ер участкасининг сатҳи, га	Бошланғич нархи, сўм
	Акмал Икромов тумани		
1	Ҳ.Турсунқулов ва Б.Иноятов кўчалари кесишувида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,04	3 484 200
2	Ширин кўчаси, 24-мавзеда савдо дўкони қуриш учун	0,028	2 532 920
3	Ширин кўчаси, 24-мавзеда савдо дўкони қуриш учун	0,043	3 457 520
4	Ширин кўчаси, 24-мавзеда савдо дўкони қуриш учун	0,0245	2 317 180
5	Ширин кўчаси, 24-мавзеда савдо дўкони қуриш учун	0,0305	2 687 020
6	Ширин кўчаси, 24-мавзеда савдо дўкони қуриш учун (2 та)	0,037	3 087 680
7	Ширин кўчаси, 24-мавзеда автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун	0,06	4 505 400
8	Сегизбоев ва Ширин кўчалари кесишувида ёзги қаҳвахона мажмуаси қуриш учун	0,04	3 272 600
	Сирғали тумани		
9	А.Ахматова кўчасида маъмурий бино ва офис қуриш учун	0,06	4 491 600
10	А.Ахматова кўчасида хусусий шифохона қуриш учун	0,3	19 230 000
11	А.Ахматова кўчасида кичик меҳмонхона қуриш учун	0,18	3 705 000
	Юнусобод тумани		
12	12-мавзе, А.Дониш кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун (2 та)	0,04	2 573 400
13	13-мавзе, А.Дониш кўчасида соғломлаштириш мажмуаси қуриш учун	0,06	6 437 400

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нархларга ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

- ер участкасининг чегараси;
- меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ-II;
- топографик съёмка, масштаб 1:500;
- муҳандислик-геологик хулоса;
- шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Аризалар қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ер участкаси бўйича узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотиш шартномасини савдо ўтказилган куни тузилади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар Ҳамза туман суди ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тўёна кўчаси, 203-уйда жойлашган «Янги Замон» қўшма корхонасининг қуйидаги мол-мулклари:
- А2-ШБК русумидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси, бошланғич нархи 6820,3 минг.сўм;
- А2-ШЗЛ русумидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияси, бошланғич нархи 1986,3 минг.сўм;
- «Суховей-3» сабзавотларни қуритиш жиҳози, бошланғич нархи 1440,6 минг.сўм;
- қозонхона ускуналари, бошланғич нархи 5853,2 минг сўм;
- қозонхона (159,25 кв.м.), бошланғич нархи 4668,0 минг сўм;
- омборхона, бошланғич нархи 20418,0 минг сўм;
- ишлаб чиқариш биноси, бошланғич нархи 133752,0 минг сўм.

2. Тошкент шаҳар Яккасарой туман суди ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Муқимий кўчасида жойлашган 3-уйнинг 3 хонали 45-хонадони, бошланғич нархи 2 млн. сўм.

3. Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган «Шифобахш-булоқ» АЖнинг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Х.Асамов кўчаси, 1-уйда жойлашган умумий майдони 2079 кв.м. бўлган 2 қаватли маъмурий биноси, бошланғич нархи 51769519 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Келажакка хизмат қилади



Маълумки, шу йил 14-20 май кунлари Хоразмда мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Умид ниҳоллари — 2003» республика ўйинларининг финал босқичи баҳслари ўтказилади.

Бугун вилоят маркази Урганч шаҳри ва бошқа жойларда шу тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин. Янада тўғрироғи, олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунловчи паллага кирган. Вилоят марказидаги «Олимпия», Хонқа туманидаги «Спартак» ўйингоҳлари, Хивадаги спорт интернат-мактаби ва бир қатор бошқа иншоотлар мусобақаларга деярли тайёр. Гап шунчаки оддий таъмирлаш ҳақида эмас, балки спорт иншоотларини жаҳон андозаларига мос келтириш борасида кетяпти.

Вилоят марказида барпо этилаётган Олимпия заҳиралари спорт коллежи ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Бу маҳобатли мажмуа таркибида ўқув ва лаборатория бинолари, беш минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, очиқ ва ёпиқ сузиш бассейнлари, бокс ва кураш заллари, ёпиқ теннис корти ва бошқа ўнлаб спорт майдончалари бор. Мажмуа яқинида замонавий бадиий гимнастика маркази ҳам қад ростлади.

Ушбу йирик спорт мажмуаси қисқа муддатларда қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш ишларини «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Аму-Шарқ» масъулияти чекланган жамият қурувчилари ва бошқа қатор масъул ташкилотлар олиб боришяпти.

Барпо этилаётган мажмуа воҳада болалар спортини ривожлантириш, мактаб ўқувчиларининг ўзлари севган спорт турлари билан йил ўн икки ой мунтазам шуғулланишлари учун катта имконият яратади.

Фақат бугина эмас. Олимпия заҳиралари профессионал коллежи ҳам тез кунларда илк талабаларни қабул қилади. Коллежда 1050 нафар йигит-қиз жисмоний тарбия ва спорт мураббийлари касби бўйича таълим олишади.

Рўзимбой ҲАСАН

Суратда: сувоқчи Муҳаммад Шерматов.

Қадамбой ОТАЕВ олган сурат.

Қитъа чемпионати қолдирилди

Аёллар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати шу йил 13-30 апрель кунлари Бангкок (Таиланд)да ўтишини хабар қилгандик. Қуръага кўра, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси мусобақанинг «С» гуруҳида Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам вакилларига қарши тўп суришлари лозим эди.

Аммо ОФКнинг Куала-Лумпур(Малайзия)да ўтказилган йиғилишида қитъа чемпионати бошқа кунга қолдирилди. Бунга Жанубий-Шарқий Осиёда одатдан ташқари пневмония касаллиги тарқалаётганлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

● ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ

Синоатга йўғрилган «дунё»

Термиз ҳайвонот боғида Ҳимолай тоғларида учрайдиган қора, Бойсун тоғларида яшайдиган қўнғир айиқлардан насл олинди. Бу сўнгги йигирма йил давомида учраган ягона воқеа

Юртимиз жанубий — Сурхон воҳасининг табиати ўзгача. Вилоятда қиш илиқ, ёз фасли эса иссиқ ва узоқ давом этиши билан ажралиб туради. Февралнинг биринчи ўн кунлигидаёқ баҳор бошланса, сентябрда хазонрезги куздан дарак бўлади. Воҳада суптропик мевалардан хурмо, апельсин, лимон, мандарин... етиштирилади. Қишлоқларда оқ саксовул, черкас, ялтирбош, янтоқларни учратиш мумкин. Дарё бўйларида юлғун, жийда, терак, қиёқ, қамиш ўсади.

Тоғларда эса бошоқли ўсимликлар, субальп бетага, ёнғоқ, арча ва бошқа мевали дарахтлар мавжуд. Денгиз сатҳидан 2-3 минг метр баланд бўлган азим тоғларда пистазор, гўзал водийларда тўқайзорлар бор. Гўшада жайрон, тоғ эчкиси, тўнғиз, силовсин, бўри, айиқ, жайра, қирғовул, каклик, тўрғай, булбул каби халқаро «Қизил китоб»дан ўрин олган ноёб ҳайвон ва қушлар кенг тарқалган. Ўзбекистонимиздаги ҳайвонот боғининг бири ҳам айнан Сурхондарёда.

1934 йилда ташкил этилган Термиз ҳайвонот боғи бир неча йиллар аввал аянчли аҳволга тушиб қолганди. Эътиборсизлик, қаровсизлик, қоларверса, маблағ етишмаслиги оқибатида ,жониворлар сони кескин камайиб кетди. Ўз даврида Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам машҳур бўлган боғнинг шуҳрати сусая борди.

— Вилоят ҳокимлиги ва жонкуярларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли боғ яна аввалги шуҳратини тиклай бошлади, — дейди ҳайвонот боғи директори Чори Сатторов. — Бугунга келиб боғимизда 140 турдаги 434 та ҳайвон ва паррандалар парвариш қилинмоқда. Ушбу масканни замонавий қилиб таъмирладик. Янги дарвоза ўрнатилди. Тошбақа, маймун ва бошқа жониворлар учун уйчалар қурилди. Хуллас, бугунгача 450 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

...Боғни айланамиз. Баъзан Ҳиндистонга «ташриф буюрсак», гоҳида Америкага «йўл оламиз». Япония ва Хитой, Эрону Афғонистон... Буёғи қаҳратон Ҳимолай тоғларию Арабистоннинг жазирама офтоблари тафтини ҳам сезгандек бўлдик. Паррандалар дунёси, ҳайвонот олами, табиат гўзаллиги, минг бир сиру синоатдан бахраманд бўлдик.

Ўзини кўз-кўз қилиб, турфа рангларда товланаётган Ҳиндистон товуслари келувчиларни ўзига маҳлиё этади. Тилсимларга тўла синоат... Камалак ранглардан ташқари яна кўплаб жилоларга йўғрилган паррандалар ял-ял товланади... Шу ўринда яна бир муваффақият хусусида тўхталиб ўтсак: Жанубий Европада яшовчи Оқ лан ва бурама шохли эчкилар Ўрта Осиёдаги ҳайвонот боғлари орасида фақатгина Термизда мавжуд. Америка ламаси, Бухоро буғуси, Приживал отлари, бир ўркачли Арабистон туялари...

— Бу ёққа юринглар, — дейди ҳайвонот боғи раҳбари Чори Сатторов қувноқлик билан йўл бошлаб. — Сизга бир хушхабар айтсам, дегандим. Сўнгги йигирма йил давомида илк бор янгилик содир бўлди. Боғимизда айиқ туғилди. Бурноғи йилнинг қишида Ҳимолай тоғларида учрайдиган қора айиқ билан Бойсун тоғларида яшовчи қўнғир айиқни чатиштириб, янги насл олиш устида иш бошладик.



Дастлаб, улар ёнма-ён қафасларда сақланди. Ўзаро «тил» топишгач, вақти-вақти билан бирга ўйнайдиган бўлишди. Лекин биласизми, доимо ҳадикда бўлдик. Чунки, бир-бирини ғажиб ташлашлари ҳеч гапмас-да. Ёзда улар «апоқ-чапоқ» бўлиб кетишди. Орадан 203 кун ўтиб, жажжи айиқча дунёга келди.

...Она айиқ боласини қизғангандек биздан яширишга уринди. Ўкириб-ўкириб нажот изларди. Ҳаллослаб етиб келган «ота» биз томон бир назар ташладида, ёмонлик қилмаслигимизни сезгач, ортга бурилди.

Йигирма икки гектарлик ҳайвонот боғига 1500 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар файз киритиб турибди. Заранг, дуб, эман, ўн турдан ортиқ ноёб арчалар...

— Келажакда бегемот, фил, тимсоҳ олиб келмоқчимиз, — дейди директор. — Улкан аквариум ишга туширилади. Хуллас, ҳали яна 500 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилади...

Табиат — гўзаллик рамзи ранг-баранг синоатга йўғрилган дунё.

Унинг бир бўлаги Термизда жойлашган. Сурхондарёга келинг, уни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

2003-2004 ўқув йилига 1996 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Аризалар 2003 йил 1 майдан қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 2 июндан бошланади.

Манзилимиз: 700152, Тошкент ш., Акмал Икромов тумани, 22-мавзе, 1-«А» уй.

Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182. Троллейбуслар: 12, 13. «Москва остонаси» бекати. Телефонлар: 74-92-21, 74-96-45.

«Карбонат» ОТАЖ акциядорлари диққатига!

«Карбонат» ОТАЖ акциядорларининг 2002 йил якуни бўйича 2003 йил 31 мартдаги умумий йиғилиши жорий йил 14 май соат 10.00 га кўчирилди.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Шаҳрисабз вино-ароқ» ОАЖнинг

2003 йил 2 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. «Шаҳрисабз вино-ароқ» очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил иш якунлари бўйича бошқарув раиси ҳисоботи ва 2003 йил бизнес-режаси қабул қилиш тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Акциядорлик жамиятининг 2002 йил йиллик баланси ҳисоботи ва дивидендлар ҳисоблаш тартиблари тасдиқлансин ҳамда ҳар бир дона акция учун 26,49 сўм тўлансин.

3. Акциядорлик жамияти Тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳамда аудитор хулосалари тасдиқлансин.

4. Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Э.Амирқулов билан Кузатув Кенгаши ўртасидаги шартнома бир йил муддатга 2003 йил 2 апрелдан 2004 йил 2 апрелга қадар узайтирилсин ва тасдиқлансин.

6. Акциядорлик жамияти билан «ОСИЁ АУДИТ» компанияси ўртасида аудиторлик шартномаси тасдиқлансин.

7. Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритилсин ва Кузатув Кенгаши аъзолари этиб А.Абдуллаев, Х.Маҳмудов, З.Джафарова, Н.Зиётов, А.Воҳидов, А.Зиаидов, Р.Маҳкамовлар тасдиқлансин.

8. Акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи тасдиқлансин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бошлиқ яхши бўлса, эл тузар, бошлиқ ёмон бўлса, эл тўзар

Ишдаги муваффақият ҳам, муваффақиятсизлик ҳам кўп жиҳатдан бошлиққа боғлиқ. Агар у ақлли, тажрибали, ишбилармон, камтарин, оддий кишиларга яқин, серғайрат, олижаноб бўлса, иш олға босади. Агар унда бу хислатлар бўлмаса, бунинг акси бўлади. Вар.: «Бошлиқ бўлмоқ осон, Бошлаб юрмоқ қийин»; «Бошлиқ юмшоқ бўлган жойда. Юлғичларнинг пичоғи мойда»; «Бошлиқ тўра бўлса, лаганбардор кўпаяр»; «Бошлиқ бўш, бўлса, дангаса кўпаяр»; «Бошлиқ бўлса сербуйруқ, На мой қолур, на қуйруқ» («Ориқлаб, озиб-тўзиб кетасан», демоқчи); «Бераверсанг буйруқни, Хизматчи бурар қуйруқни»; «Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл».

Ботирдан «ботир» чиқса, отаси билан олишар

Қўлидан бир иш келадиган бўлганда ё пулдор бўлганда ёхуд бирор амалга минганда бошқаларни тугул, ҳатто отасини ҳам менсимай, писанд қилмай қўядиган ноқобил фарзандни қоралаганда, унга баҳо берганда шу мақолни айтадилар.

Бош омон бўлса, дўппи топилар

Бу мақолни: «Киши учун энг зарур нарса, энг катта бойлик — танисоғлик. Соғлик бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин, аммо ҳеч бир нарса билан соғликни топиб бўлмайди», деган маънода ҳам қўллайдилар, бирор нарсага муҳтожликдан, етишмовчиликдан ҳасрат қилган одамга тасалли берганда ҳам қўллайдилар. Вар.: «Жон бўлса, жаҳон топилар, Ош бўлса — қозон», «Омон бўлса бу бошим, Яна чиқар бу сочим», «Боши омоннинг — моли тугал».

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Рустам Шомуродович Шоғуломовга қизи **ЭЛЬВИРА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика Кўчмас мулк биржаси аукцион савдоларига таклиф этади!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 15, 22, 29 май кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 7-манзилда жойлашган, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Локомотив» меҳмонхонаси мулкий мажмуаси. Қурилиш майдони 1906 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 65 1992 АҚШ доллари.

Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига миллий валютага қуйидаги объектлар ҳам қўйилади:

1. Фарғона шаҳри, К.Раҳимова кўчасида жойлашган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт») таркибига кирувчи Қўқон «Эталон» заводининг мулкий мажмуаси негизида таъсис этилган «Qo`qon Etalon» МЧЖ устав фондининг 64 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 9 600 832 сўм.

2. Фарғона шаҳри К.Раҳимова кўчасида жойлашган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт») таркибига кирувчи Фарғона «Эталон» заводининг мулкий мажмуаси негизида таъсис этилган «Farg`ona Etalon» МЧЖ устав фондининг 64 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 7 235 456 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 116-манзилда жойлашган, «Компрессор заводи» ОАЖга қарашли «КамАЗ» 53213 русумли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 608 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 2 852 253 сўм.

4. «Ўрта Осиё Транс» Халқаро автотранспорт нақлиёти давлат акциядорлик компаниясига тегишли «KOGEL SVKA 24 P E» русумли, тури SEMI TRAILER, шассиси WKOSVKA 24P4131542, ранги оқ, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10A135 бўлган ярим тиркагич.

Бошланғич баҳоси — 10 279 000 сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули объект сотув қийматига қўшилади, савдо ғолиби бўлмаган харидорларга қайтариб берилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: **136-06-17 (www.uzrkmb.com)**
Лицензия рақами: **000004**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA